

## РАНГ-ТУС БИЛДИРУВЧИ “ҚИЗИЛ” РАНГ ВА УНИНГ ПОЭТИК ТИЛДАГИ ВАРИАНТЛАРИ

Муаттар Хирожиддинова

мустақил тадқиқотчи

**Аннотация:** мазкур мақолада Алишер Навоийнинг “Хамса”сидан ўрин олган “Сабъаи сайёр” достонидаги ранг билдирувчи “қизил” сифатининг коннотацияси ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** лингвопоэтика, лингвистика, ранг билдирувчи сўзлар, денотация, коннотация, ўз маъно, кўчма маъно, таъсирчанлик, баҳолаш, ижобий, салбий, руҳият.

**Аннотация:** В данной статье речь идёт о коннотации цветовой прилагательный “кизил” в некоторые лирических и эпических произведениях Алишера Наваи, особенно в дастане “Сабъаи сайяр”

**Ключевые слова:** коннотация, лингвопоэтика, лингвистика, денотация, имя прилагательные, цветовой прилагательные, лирические произведения, эпические произведения

**Annotation:** This article deals with the connotation of color-expressing qualities in ghazals end poem's of Alisher Navoi.

**Key words:** connotation, lingvopoetics, , own meaning, portable meaning, sensitivity, evaluation, quality words, color expressive words.

Ранг-тус билдирувчи “қизил” ифодалаган сўз худди “оқ”, “қора” каби ранг билдирувчи сифатлардек оғзаки ва ёзма манбаларда қадимдан қўлланиб келади. Ушбу ранг билдирувчи сифат мато, тупроқ, қон, лола, лолақизғалдоқ, ёқут, лаъл, анор, узум, олма каби предметларнинг ранги каби тушунчаларни ифодалашга хизмат қилади. Бу ранг тус-билдирувчи сўзга бир вақтлар СССР деб номланмиш катта салтанатда сиёсий тус берилган: шиорлар ва байроқлар, болалар ва ўсмирлар бўйнига тақадиган галстуклар, орден, медал ва нишонлар ҳам қизил рангда бўлган. Ҳозирда ҳам Хитой, Шимолий Корея, Вьетнам сингари мамлакатларда “қизил” сўзига алоҳида сиёсий тус берилиб, байроқлари, кўкрак нишонларини қизил рангда ифодалашга одатланганлар. Ўзбек тилининг 2 жилдлик изоҳли луғатида “қизил” сўзи билан боғлиқ юздан зиёд сўзларнинг ўз ва кўчма маънолардаги изоҳи берилган: қизил, қизил гул, қизил олма, қизил тош, қизил кўйлак, қизил камзул, қизил аскар, қизил галстук, қизилиштон (қуш), Қизил крест, Қизил Ярим ой жамияти, қизил қалам, қизил ичимлик, қизилмия (ўсимлик),

қизилоёқ (қуш), қизилча (полиз маҳсулоти; касалик), қизилўнғач (одамнинг ички аъзоси) ва ҳақозолар шулар жумласидан. [1, 571-572]

Мазкур сўзнинг илк намуналари тошбитикларда келган. Култегин битигида “qyzyl qanym tokti” – “қизил қоним тўкти” шаклида келса, “Девону луғатит турк”да “qara, qizil bo’ri ko’rdym” – “қора, қизил бўри кўрдим” тарзда ифодаланган. “Қутадғу билик”, “Ҳибат ул-ҳақойиқ” сингари ёдгорликларда “қызыл” (қызыл тил) тарзида ишлатилган бўлса, кейинчалик поэтик нутқда буганги шаклда ишлатилаверган: *Қуримиш йиғашлар тўнанди яшил, Безанди япун ал, сариғ, кўк, қизил.* - Яланг дов-дарахтлар кийинди яшил, Безанди ёпиб ол, сариқ, кўк, қизил. (“Қутадғу билик”). Машрабда: “Юзинг мисли қизил гулдир...”. Нодирада: Сиришким қизил қондир... Фурқатда: Сурмадин кўзлар қаро, қўллар хинодин лоларанг.... Шу ғазалда қизил камзул кийган нозанин тасвири ҳам бор. Поэтик тилда истиора сифатида истифода этиладиган *лола, анор, нор (олов - нори Иброҳим), лаъл, гул, ёқут, қон (хун), ҳамро (нор, қизил хол)* ва бошқа предмет билдирувчи отлар ҳам шу рангни ифодалашга бўйсундирилган.

“Қизил” сўзи туркий халқлар тилида турли вариантларга эга:

ўзбек	қозоқ, қирғиз, қ.қал., уйғур	озарбайжон	туркман	бошқирд	хакас	мўғул	ёқут	чуваш
қизил	қызыл	гырмызи, гызыл	гызыл	қызыл	хызыл	улаан	кысыл	херле

Ҳазрат Алишер Навоий “қизил” сўзини лирик ва эпик меросининг кўп ўринларида ишлатганлигининг шоҳиди бўлиш мумкин. Бир ғазалида мазкур сўзни ранг билдирувчи “сариқ” ва “яшил” сифатлари билан бирга ишлатиб, радифга олиб чиққанки, бу билан ушбу ранг билдирувчи учта сўзнинг коннотатив маъноларига ёрқин тус бериб, уни турли маъноларда келишини таъминлай олган: *Хильатин то айламиш жонон қизил, сориғ, яшил, Шуълайи оҳим эсар ҳар ён қизил, сориғ, яшил.*

Навоийнинг рубоий, қитъа, фардларида ҳам “қизил” сўзининг истифодаси мўл бўлиб, айниқса, унинг “Хамса”сидан ўрин олган “Сабъаи сайёр” достонининг тўртинчи ҳикояти қизил ранги билан ҳар томонлама боғланиб кетади. Шу ўринларни назардан ўтказайлик.

Достонда қайд этилишича, “Сешанба куни Баҳромнинг гулгун либос билан қасри гулнорийға таважжуҳ қилиб, шафақгун ҳуллалик

хуршед била соғари ёқутфом ичинда лаъл ранг май ичғони ва ул ёқут ва лаълдин уйқу учун муфаррих тартиб қилиб, майдин қизортғон кўзин юмғони. Яъни: сешанба куни Баҳромнинг гулгун (гулранг, қизил) либос билан гулнорий (қизил) қасрга кириб, шафақгун (қизғиш, шафақранг) ҳуллалик (либосли) хуршид (қуёш ранги – қизилга мойил) билан ёқутфом (қизилтош рангида) қадаҳда лаъл ранг (қизил олтин ранг) май (қизил ичимлик) ичғани у лаълу ёқутдан (қип-қизил ичимликдан) шодлик уйқусини келтирадиган дору сифатида фойдаланиб, майдин (қизил ичимликдан) қизарган (қизил рангга кирган) кўзини юмғани” [4,452].

Мазкур сарлавҳада Алишер Навоий илтизом санъати орқали “қизил” сўзининг турли муқобилларини қўллаш билан Баҳромнинг турфа ҳолатларини ифодалашга эришган ҳамда тасвирнинг кулминациясини юзага келтирган. Негаки, “қизил ранг” сифати жўшиб турган қон рангини, тирикликни, умидворликни, ғайрат ва шижоатни, масту мустағриқ бўлмоқликни, келажакка интилишни, ва умуман, инсон табиатида юзага келувчи ғайришуурий ҳолатларни ифодалашга хизмат қилган.

Чун сешанба сипехри чобукхез,  
Тўкти анжум шароридин гулрез.

Яъни: сешанба куни тез юрувчи осмон юлдуз учқунларидан оламга гул сочди.[3, 452]. Бундан кейинги иқтибослар шу манба ва шу саҳифадан олинди. Шу сабабдан иқтибос манбаси ва саҳифасини келтириб ўтирмаймиз. М.Х.]. Байтдаги “гулрез” сўзи “гул сочувчи” деган маънони беради. “Гул” истиораси эса поэтик тилда “қизил” маъносини билдиради. Бунинг далилини яна Навоийнинг ўзидан топамиз: Менгизлари гул-гул, мижалари хор, Қабоғлари кенг-кенг, оғизлари тор, яъни (ул гўзалнинг) ёноқлари қип-қизил, киприклари тикон, қовоқлари кенг, оғзи ўта кичик [3,23]

Боғлади золи чарх ўлуб раъно,  
Абри шингарфгун била ҳийно.

Яъни: кўҳна чарх раъно (қизил) рангига кириб, қизғиш (ранг) булут билан юзига хино (хинонинг қўлда қизил ранг қолдиришига ишора ) боғлади.

Шоҳ Баҳром кийди гулгун рахт.  
Тикти гулгун уй ичра гулгун тахт,

Яъни: Шоҳ Баҳром гулгун тўн кийиб, гулгун уй ичига гулгун тахт ўрнатди. Бу ўринда “гулгун” сўзини 3 марта ишлатган Навоий илтизом санъатидан моҳирона фойдаланган ҳолда ҳожиблар ва ҳашвдаги мазкурни айни “қизил” маъносида ишлатган. Алишер Навоий

асарларининг 5 жилдлик изоҳли луғатида “гулгун” сўзини гулранг, пуштиранг шакллари ҳам мавжудлиги тўғрисида сўз юритилган [4,414]. Барибир, мазкур сўзнинг асл маъноси бу ўринда “қизил” эканлиги, “пуштиранг” сўзи маъносида ҳам қизғиш ранг маъноси борлигини ҳам унутмаслик керак. Қолаверса, Навоий кейинги ўринларда ҳам “гулгун” сўзини яна бир неча ўринларда ишлатганлигини кўриш мумкин. Бу ҳолат бобнинг айни қизил ранг билан боғлиқ тавсифидан келиб чиққан.

Қасри гулгун сари қилиб оҳанг,

Истади ичса бодаи гулранг.

Яъни: У гулгун қасрга кираркан, кўнгли гулранг бода ичишни истаб қолди. Байтдаги “гулранг” сўзи айни майнинг қизил рангда бўлганлиги маъносини беради.

Сарви гулчеҳр қилди истиқбол,

Гул киби борча рахти ҳуллаи ол

Яъни: Тик қоматли, қизил юзли, кийган кийимлари ҳам қизил бўлган малак уни кутиб олди. Байтдаги курсивга олинган учала сўз ҳам “қизил ранг” маъносини бермоқда.

Тахти гулранг уза тутуб ором,

Жоми лаъл ичра бодаи гулфом.

Яъни: У гулранг (қизил) тахтга ўтириб, лаълранг (қизил) жомга гулфом (қизил) бода қуйди. Бу ўринда лаъл – қизил қимматбаҳо тош маъноси қадаҳга нисбатан кўчган бўлса “гулфом” сўзи луғатда гўзал, қизилгул ранг, гўзал маъноларида келган [4,418].

Шоҳ ила қилди нўш гулгун мул,

Мул алар чеҳрасин қилиб гул-гул.

Яъни: У шоҳ билан гулгун май нўш қиларкан, май уларнинг чеҳрасини гул-гул (қизил рангга киритиб, қизартириб) очилтириб юборди. Икки марта ишлатилиб, тақрир қилинган “мул” сўзи май маъносини беради. Демак байтда 4 марта қизил сўзи ишлатилган. Қолаверса “чеҳра” сўзида ҳам Навоийнинг маҳорати важҳидан “қизил” маъносини туйиш мумкин.

Анга тегруки меҳри гулрухсор

Юзига ёпти пардаи кўҳсор.

Яъни: Улар шу ўтирганларича гулрухсор қуёш чўққисидан ўз юзига парда тортгунча ичиб ўтиришди. Байтдаги “гулрухсор” сўзи бевосита, “юзига” сўзи эса билвосита “қизил” сўзига ишора қилмоқда.

Шаҳ кўзи бодадин қизориб эди,

Кўзидин уйқу лек бориб эди.

Яъни: Бода ичаверганидан шоҳнинг кўзи қизариб кетган эди, бироқ унинг уйқуси келмас эди. Бунда ҳам бода сўзи билвосита “қизил ранг” маъносини ўзида намоён қилган. Айни пайтда, байтдаги “қизариб” феъли қизил сифатидан ясалганини (қизил+-ар; товуш тушиш ҳодисаси юз берган) биламиз.

Бобнинг кейинги ўринларида “қизил” маъносида келувчи *арғувоний, гул, оташ ранг, гули раъно, гулгунпўш (қизил ранг кийим кийган), гулнор, гулнорий, гулноргун* сўз-шаклларида истифода этилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Бундан ташқари шоирнинг бошқа лирик ва эпик асарларида ранг-тус билдирувчи “қизил” сифатининг турли шаклий вариантларига ва шу орқали турфа коннотацияларига шоҳид бўлиш мумкинки, ушбу ҳолат Алишер Навоий биргина шу сўзнинг ана шундай шакллари топа билган ва бу шакллarga катта маъно юклай олган аллома бўлганидан дарак беради. Бугина эмас, Навоийнинг ана шу маҳоратидан тилимизнинг сўз бойлиги бениҳоя улуғвор ва улар англатган маънолар диапозони мислсиз кенг эканлигини билиб олиш мумкин.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилдлик, 2-жилд.- Москва, Русский язык, 1981.
2. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғатит турк. I-III томлар. – Т.1963.
3. Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. // Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. 7-жилд. 2011.
4. Алишер Навоий. Хамса. – Т.: Наврўз,2019.
5. Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. // Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. 9-жилд –Т.: 2011.
6. Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 1-жилд. – Т.: Фан, 1983.
7. Содиқова М. Ўзбек тилида сифат. –Т.: Фан, 1974.